
Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш – асосий вазифа



Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш – асосий вазифа

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида жорий йилнинг 14 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини икки баробарга ошириш бўйича ҳудудлардаги барча раҳбарларга зарурий ва ижроси лозим бўлган тавсия ва топшириқлар берилди. Айни дамда, вилоятимизнинг энг чекка тумани – Сухда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида туманнинг ҳар бир сектор кесимида амалий ишлар жараёни кечмоқда.



“Биз ҳар томонлама мўхтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган ғояларни амалга татбиқ этишимиз лозим. Чунки бизнинг ортимизда халқ турибди. Халқимизни озиқ-овқат билан таъминлаш, маҳсулот нарх-навоси барқарорлигига эришиш, айниқса, томорқачиликни ривожлантириш ва ердан самарали даромад олиш йўлларини аҳолига етказишимиз зарур. Шунингдек, ҳудудларда чорвачилик, қуёнчилик, балиқчилик, паррандачилик каби кластерлар ёхуд кооперацияларини ташкил қилишга эришсак, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини камайтириш, энг асосийси, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳам қисман ечишга муваффақ бўламиз. Бугундан бошлаб, шу эзгу ишга бел боғлашимиз лозим” – деб сўз бошлади туман ҳокими Фаррух Усаров қишлоқ хўжалиги вакиллари ва иқтисодий комплекс мутахассислари билан ташкил этилган қисқа учрашувда.



Айтиш мумкинки, туман ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдаги сессияда ҳам шу масала атрофлича муҳокама қилиниб, мутасаддий раҳбарлар ва мутахассислар томонидан керакли таклифлар ўртага ташланди. Сессияда туманда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулот етиштириш ҳажмини икки баробарга ошириш бўйича туман чора-тадбирлар режаси тасдиқланди, шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш ишларини ташкил этиш юзасидан маҳаллий Кенгашлар назоратини ўрнатиш бўйича доимий комиссиялар шакллантирилди. Шунга асосан, кеча туман ҳокими раҳбарлигида бир гурӯҳ соҳа мутахассислари туманда чорвачилик, паррандачилик каби кластер ва кооперацияларни ташкил этиш мақсадида “Озод” ширкат хўжалиги ҳудудига ташриф буюришди.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ширкат хўжалиги ҳудудида мустақилликдан олдинги йиллар чорвачилик ва паррандачилик ривожланган соҳалардан бўлиб келган, туман иқтисодий ўсиш барқарорлиги ҳам шу соҳалардан эди. Лекин, бугун туманда ушбу соҳаларга дахлдор субъектлар ташкил этилган бўлсада, натижасиз қолиб келмоқда. Ширкат хўжалиги ҳудудидаги бўш турган бинолар ва қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдонлари комиссия томонидан ўрганилди. Ташриф натижасида қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ер майдонлари бўла туриб, улардан самарали фойдаланмаслик ҳолатлари ҳам аниқланди. Ер майдонларини ўзлаштириб олган баъзи ижарачи ва масъулларнинг масъулиятсизлиги туфайли ер ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёки ерга бўлган муносабат талаб даражасида эмас. Ташриф ва ўрганишлар натижасида ширкат хўжалиги ҳудудидаги бўш турган ер майдонларида, шунингдек, фойдаланмаётган қишлоқ хўжалиги объектларида қуёнчилик, чорвачилик ва паррандачилик кластерлари ташкил этиладиган бўлди. Мутасаддийларга туман ҳокими томонидан ишларни тез ва сифатли бажариш мақсадида керакли тавсия ва топшириқлар берилди. Таъкидлаш лозим, ушбу кластерларни ташкил этиш ниятида бўлган тадбиркорларга қонун доирасида ер майдонлари ва банк кредитлари ажратиб берилади.



Туманда “Озод” ширкати хўжалиги ҳудудида чорвачилик ва паррандачилик кластерлари ташкил этиладиган бўлса, биринчи секторнинг Девайрон маҳалла фуқаролар йиғинида иссиқхоналар комплекси бунёд этиладиган бўлди. Туман ҳокими тавсияси билан Девайрон тикувчилик фабрикаси ёнидаги умумий майдони 3 гектар бўлган ерда иссиқхона комплекси ташкил этилади. Агар шу ният ҳам амлга оширилса, салкам 100 та янги иш ўрни яратилади. Бу 100 та хонадонда даромад манбаи пайдо бўлади дегани. Айти дамда мутасаддий ташкилот ва идоралар вакиллари томонидан иссиқхоналар комплексининг бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди.



Қилинаётган ҳар бир иш ва ҳаракат аҳоли манфаатини кўзлаб амалга оширилаётгани билан ҳам аҳамиялидир. Томорқадан самарали фойдаланиш ҳадисини олган халқимиз бугун меҳнат билан банд. Далаларда, ҳовлисидаги томорқада меҳнат қилаётган инсонларнинг мақсади бир: эртанги кунга пухта ҳозирлик кўриш ва озиқ-овқат захирасини яратиш. Ташриф чоғида биринчи сектор кесимидаги маҳаллаларда аҳоли томонидан томорқадан фойдаланиш ҳолатлари ҳам ўрганилди.



уйида банк кредитларисиз ихчамгина ҳудудда, яъни бир сотих келадиган жойда иссиқхона барпо этган ва шу кунгача маҳалла аҳлига ушбу иссиқхонада етиштирилган маҳсулотларни салкам бир миллион сўмга сотишга ҳам муваффақ бўлган. Ерга бўлган эътибор ва унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш бу хонадонда яхши йўлга қўйилган. Аҳроржон-ака ҳатто бузилган эски уй ўрnidан ҳам самарали фойдаланмоқда. “Кузга бориб, янги уй қурмоқчиман. Лекин Президентимиз айтганларидек, ердан бугун ҳар биримиз унумли фойланишимиз лозим. Шунинг учун, бузилган эски уй жойидаги майдонга пиёз экдим. Ривожланиши яхши. Эскитдан биламизки, эски уйлар ва томнинг тупроғи экилган майдонлар унумдорлигига ижобий таъсир қилади. Шунингдек, қуёнчиликни ривожлантириш ниятим бор, аммо банк кредитини олишда қийналяпман” – деди тадбиркор туман ҳокими билан бўлган сўхбатда. Туман ҳокими ҳам ўз навбатида тадбиркорга қилган ва қилинаётган меҳнатлари учун миннатдорчилик билдириб, банк кредитини олиш ва қуёнчиликни ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдириб ўтди. Дарҳақиқат, агар ҳар биримиз ҳар бир эзгу ташаббусни тўғри йўналтира олсак, кўзланган мақсад ва натижаларга албатта эришамиз.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-04-20 17:34:03